

Ўзбекистон Республикаси  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ  
"AUDIT-HISOB MARKAZI"  
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 180100, И.Каримов-212, тел. +99875 – 227 00 59  
Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича МВ нинг 2019 й. 2 апрелдаги АФ №00762 рақамли лицензиясига эга.

«OLCHAZOR AZIYA» АЖнинг  
2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботларига  
ИЗОҲЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи : «Olchazor Aziya» АЖ  
Манзил: Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йули кўчаси 248 уй  
Сана: 12.02.2021 йил.

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, И.Каримов кўчаси 212-уйда жойлашган, СТИР рақами 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Қашқадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори Жабборов Зариф (аудитор малака сертификати рақами № 05547, МВ томонидан 23.02.2018 й. берилган) томонидан «OLCHAZOR AZIYA» АЖ нинг баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2020 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувудан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисоботлар юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «OLCHAZOR AZIYA» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувудан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

**Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос.**


Жамиятнинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатида асосий воситалар эскириши ва келгуси давр харажатларини белгиланган тартибда харажатларга олиб бориш лозим.

**Изоҳлар билан фикр билдириш**

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботларга таъсирдан ташқари, «OLCHAZOR AZIYA» АЖнинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари : -

Аудитор:



З.Эргашева

З.Жабборов